
Таъмирлаш ишлари сабабли эртага туманнинг айрим ҳудудларида электр таъминотида вақтинчалик узилишлар бўлади

“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг тегишли хабарномасига асосан, эртага 2023 йил 19 октябр куни 110 кВли Л.Инкубатор электр узатиш тармоғида жорий таъмирлаш ишлари жорий таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Шу боисдан, мазкур тармоқдан таъминланувчи **Қумбосди, Тинчлик, Олмазор, Қирқкетмон, Қайнарбулоқ, Кўл Элаш ва Охунқайнар** маҳаллаларидаги истеъмолчиларнинг электр таъминотида **эртага, 19 октябр куни соат 09:00 дан 14:00 гача вақтинчалик узилиш кузатилади.**

Ҳурматли истеъмолчилар! Юқорида кўрсатилган вақт давомида зарур эҳтиёт чораларини кўришингиз лозимлигини эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси

Мурожаат учун телефон: ☎ (95) 402-13-52, (73) 539-16-03

2023-10-18 21:18:06